## № 013 сонли ШАРТНОМА

2022 йил 05.08 Риштон

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида фаолият юритувчи “RISHTON PARTNYOR KM” маъсулияти чекланган жамияти номидан А.Х.Абдурашидов (кейинги ўринларда **«Сотувчи»** деб аталади) биринчи томондан ва иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Риштон т. Хокимияти раҳбари С. Сониев (келгусида **“Харидор”** деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

### 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1.** “Сотувчи” “Харидор”га қўйидаги маиший техникаларни сотиб етказиб беради
**1.2.** Мазкур шартноманинг умумий қиймати 29050000 (йигирма тўққиз миллион эллик минг) сўмни ташкил қилади

**1.3.** Маҳсулотлар қўйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| № | Маҳсулот номи | Улчов бирлиги | микдори | нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | MAQI Q1 Bir chokli | дона | 7 та | 4150000 | 29050000 |
| | | | | | |

**29050000 (йигирма тўққиз миллион эллик минг) сўм**

**Мазкур шартноманинг киймати Йигирма туккиз милион эллик минг сум (ҚҚС) билан ташкил килади**

### 2. ХИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ.

**2.1.** “Харидор” “Сотувчи” нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан олдиндан 30% миқдорида маблағ ўтказиб бергандан сўнг “Сотувчи” шартномада кўрсатилган махсулотни тўлиқ етказиб беради ва ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан етказиб берилган махсулот қиймати учун “Харидор” 20 иш куни муддат ичида пул ўтказиш йўли билан 70% миқдорида якуний туловни амалга оширади.

### 3.МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

**3.1.** “Сотувчи” шартномада белгиланган маҳсулотларни 10 кун муддат ичида “Харидор”га етказиб бериши шарт.

### 4.ТОМОНЛАР ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**4.1** «Сотувчи»нинг хукуклари:
-«Сотувчи» «Харидор»дан харид килаётган товарини бўлиб тўлашга қобиляти, молиявий ҳолатни ўрганиши ва тахлил қилиши.
- “Сотувчи” ”Харидор” томонидан юборилган вакил корхона раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатилгандан сўнг махсулот беради.
- Тўловлар харидор томонидан кечиктирилган такдирда, «Сотувчи» томонидан телефон алоқа, почта алоқа тизимлари орқали «Харидор»ни манзилига бориб огохлантириши мумкин.
-«Харидор»дан сотиб олинган махсулот(лар) тўловини ўз вақтида тўланишини талаб қилиб бориш;
-«Харидор» сотиб олинган махсулот(лар) учун тўловларни тўлаш муддатидан кечиктирган тақдирда, кечиктирилган хар бир кун учун тўланмаган карздорлик суммасига нисбатан 0,4% пеня хисоблаш, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси тўланмаган карздорлик сумманинг 50% микдоридан оширмаслик;
**4.2**. «Сотувчи»нинг мажбуриятлари:
-шартнома тузилаётган вақтда сотиб олинаётган махсулот(лар) нархи ўзгариши тўғрисида «Харидор»ни хабардор килиш;
-шартнома тузилгандан сўнг 10 кун ичида «Харидор» га махсулот(лар)ни тўлиқ ва бут холатда (кафолат таллони тўлдирилган холда) хужжатлари билан топшириш;
-сотиб олинган махсулот(лар) учун ҳисоб-фактура такдим этиш;
-носоз. Сифатсиз махсулот(лар)ни («Харидор»нинг айби билан юзага келган носозликлар бундан мустасно) 3 кун ичида алмаштириб бериш;
**4.3.** «Харидор» нинг хукуқлари;
-агарда сотиб олинган махсулот(лар) носоз ва сифатсиз бўлган тақдирда 3 кун ичида қайтариб бериш ва бошқасига алмаштириш;
-махсулот(лар) нинг сертификати, кафолат таллони ва тўлов жадвалини талаб қилиб олиш;
-махсулот(лар) кабул килинганидан сўнг. Кафолат муддати давомида вужудга келган носозликлар («Харидор»нинг айби билан юзага келган носозликлар бундан мустасно) юзасидан ушбу кафолат таллонида кўрсатилган ишлаб чиқарувчининг сервис хизматларига мурожаат килиш;
- “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 18-моддасига асосан мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан **ўн кун** ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга бундай товар сотувда бўлмаса пулини қайтариб олишга ҳақли.

## 6.ФОРС-МАЖОР.

**5.1.** Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши томонларининг таъсири ва истакларига боғлиқ бўлмаган, вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит берадиган вазиятлар содир бўлганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органлари қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари Ушбу ҳолатлар давом этиш вақтигача сурилади.
**5.2.** Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларни юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.
**5.3.** Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида 15 кундан кўп бўлмаган муддатда хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

**6.1.** Шартнома икки томонлама имзоланиб, мухрлар босилгандан сўнг қонуний кучга киради.
**6.2**. Ушбу шартнома 2022 йил “05” 08 дан 2022 йил “31” декабргача амал қилади.
**6.3.** Шартнома томонлар келишувига асосан “Сотувчи” томонидан етказиб берилган маҳсулот “Харидор” томонидан сифатсиз деб топилганда ва “Сотувчи” томонидан мазкур шартноманинг 4.2 бандлари бажарилмаганда шартнома “Харидор” томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин.
Бекор қилингани тўғрисида “Харидор” “Сотувчи”га ёзма равишда асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

**7.1.** Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар узаро ҳал қилинади. Узаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий Судлари орқали ҳал қилинади.
**7.2.** Шартнома икки нусхада тузулиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.
**7.3.** Шартномага киритилган барча узгартиришлар икки томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.
**7.4.** Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик булинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ.

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| **“RISHTON PARTNYOR KM” МЧЖ** | Риштон т. Хокимлиги |
| **Манзил:** Фарғона вилояти, Риштон тумани Фарғона кўчаси №1-уй<br>**х/р:** 20208000805144316001<br>**ИНН:** 306872589; **МФО**:00494<br>Саноатқурилишбанк Фарғона минтақавий филиали<br>**Телефон** : 99-606-25-35<br>**Раҳбар**: ______ (имзо)<br>**Мухр ўрни** | **Манзил:** А. Розиқоний кўча<br>305122860302247109602028001<br>х/р: 23402000300100001010<br>ИНН: 200181775 МФО: 00014<br>**ОКОНХ:** 97600<br>**Тел :** (998)<br>**Раҳбар:** ______ С. Соиев<br>(имзо) (ФИО)<br>М. У |

Ҳуқуқшунос: ______ (имзо) ______ (ФИО)

## ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

05.08.2022 йил №7-сон Риштон тумани

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**

Риштон тумани хокими

_____________С.Солиев

Риштон тумани хокимлиги томонидан аёллар дафтаридаги кам таъминланган аёллар учун бир чокли тикув машинаси. Масалан: Бир чокли тикув машинасини бюджет маблағлари хисобидан ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида

***Раислик қилувчи:*** комиссия раиси: М.Бекмирзаева

Қатнашдилар:

1. Д.Йигиталиев
2. Н.Ғозиев
3. Ф.Шаропова
4. Д.Бобоева

**Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:**

Риштон тумани хокимлиги томонидан аёллар дафтаридаги кам таъминланган аёллар учун бир чокли тикув машинаси. Масалан: Бир чокли тикув машинасини бюджет маблағлари хисобидан ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида .

Кун тартибидаги масала юзасидан Риштон тумани хокимлиги томонидан аёллар дафтаридаги кам таъминланган аёллар учун бир чокли тикув машинаси. Масалан: Бир чокли тикув машинасини бюджет маблағлари хисобидан ўтказилган электрон эълонга раислик қилувчи М.Бекмирзаева сўзга чиқиб, ушбу элон ЎзбекистонРеспубликасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва хаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг, Ўзбекистон

Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор такидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайъати:

**Қ а р о р  қ и л а д и:**

1. Муҳокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб,Риштон Партнёр КМни йиғилиш хайъати ғолиб деб эълон қилсин.

**2.** Ғолиб деб топилган қатнашчи "Риштон Партнёр КМ" билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмилаштириб,маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Комиссия азолари: ____________ М.Бекмирзаева

____________ Н.Ғозиев

____________ Ф.Шаропова

____________ Д. Йигиталиев